

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
Вазирлиги
Муқимий номидаги Қукон давлат институти.



«маърузалар матни»
Музыка ижрочилари кафедраси.

Тузувчи:
Х.К. Шерматова

Қукон 2002й.

Кино музикаси

Режа:

1. Кино санатининг шаклланиши.
2. Кино музикаси ўзбекистонда.
3. Музикали драма, драматик сахна асарлари.
4. Кино музикасида М. Бурхоновнинг ўрни.

Адабиётлар.

1. Ўзбек Совет энциклопедияси. 1984 йил Тошкент.
2. Ахмедов М., Қодирова Д, музикада халқ маросимлари “Санат” 1990 й. №6
3. Ражабов И. “Мақомлар масаласига доир”
Тошкент 1963й.
4. “Ўзбек музика тарихи” Саламонова.

XIX асрнинг охирида - ҳаракатланаётган предметларни, кишиларни, ҳайвонларни – умуман ҳаракатни пленкага тушура оладиган аппарат ихтиро қилинди. Бу аппарат номи юнонча “кинема” – ҳаракат ва “графо” сўзларидан олиниб, кинематограф деб аталади. Шу вақтдан бошлаб, кино санати, яъни кинофильмлар яратиш санати пайдо бўлди.

Кино санати – ҳаётдаги воқеаларни ўз холича ёки махсус инсценировка қилиб, ё бўлмаса, мультипликация воситасида қайта тасвирлаб суратга тушириш йули билан асар яратилади. Кино саъятида адабиёт, театр ва тасвирий санъат, музиканинг этник жихатлари ўзига хос, хусусий ифода воситалари заминида уйғунлашиб кетади. Кино санъати томошабинларнинг воқелик ҳақидаги тасавурина, этик қарашини, эстетик дидини шаклланишида муҳим воситадир. 1917 йилга қадар Ўрта Осиёда намоиш қилинган ленталар, асосан, Америка, Франциянинг Шарқ экзотикасига моил фильмларидан иборат бўлган.

Ўзбеклардан чиққан биринчи кинооператорлар Х. Девонов ўзининг хужжатли хроникал кино ленталарида реал ҳаётни тасвирлашга 1924 йида “Бухкино”, 1925 йилда Тошкентда “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси ташкил топди ўзбек кино санатининг ривожини бошлаб берди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, умуман Совет кино санъати, жумладан ўзбек совет кино санъати хроникага асосланган эди. Рус кино усталари К. Гертель, М. Доронич, Ч. Сабинский, О. Ферелих, А. Дорн ва бошқа ўзбек бадий кинематографиясини майдонга келтиришда катта ёрдам курсатдилар. “Шарқ юлдузи” кинофабрикасининг дастлабки ленталарини яратган рус кино усталарига ёрдамчи бўлиб ишлаган Н. Ғаниев ўзбек миллий кино санъатига асос солди. Ўзбек кино санъатининг илк намояндалари Н. Ғаниев, Сулаймонхўжаев, Р. Пирмухамедов, К. Ёрматов, Э. Ҳамраев ва бошқалар, рус совет кино усталари ёрдамида ўзбек кино санъатини иттифоқ миқёсига кўтаришга фаол қатнашди.

30-йиллада овозли кинонинг вужудга келишини кино санъатининг бадий қийматини оширди.

“Қасам”(режесёр А. Усольтев 1937) фильмнинг яратилиши ўзбек кино санъатида овозли фильмлар даврини бошлаб берди. Овозли кинонинг ўзлаштирилиши ўзбек кино санъатининг адабиёт ва театр билан алоқасини янада мустахкамлади.

Кино мусиқаси – кинематографиянинг шаклланиши ва ривожини билан боғланган мусиқа жанри. Дастлаб кино аппарати шовқинини босиш учун мўлжалланган. Бора – бора кинодрамматургиянинг муҳим воситаларига айланди. Одатда ҳар бир фильм учун махсус мусиқа ёзилади, баъзан мавжуд мусиқадан ҳам фойдаланилади. Кино мусиқаси сюжет билан узвий боғланиб, образларнинг рухий кечинмалари драматик ҳолатлар, зиддиятлар ва бошқаларни ҳаяжонли қилиб ифодалашга ёрдам беради. Совет композиторларидан С. Прокофьев, Д. Шостакович, И. Дунаевский, Т. Хренников, А. Хачатурян, Н. Крюковлар ижодида кино мусиқасининг намуналари вужудга келди.

Ўзбекистонда ҳам 20 – йиллардан, кино ва мусиқа ҳамкорлиги бошланган. Жанр сфатида эса кино мусиқаси 40 – йиларнинг 2-ярмидан шакллана бошлади.

Дастлабки ўзбек фильмларига мусиқа ёзишда В.А. Успенский, А. Казловский, ўзбек халқ куй ва кўшиқларидан ҳамда ўзбек бастакорлари ижодидан фойдаланишган. Масалан: “Равот қашқирлари” 1927; “Тохир ва Зухра” 1945 ва бошқалар. Кейинги йилларда яратилган кўп ўзбек фильмларида мусиқадан драматик ривожни очиш воситаси сифатида фойдаланилди. Масалан: “Абу Али ибн Сино” (композитор М. Бурхонов, 1957 йил), “Фурқат” (композитор С. Юдаков, 1959 йил), “Хамза” (композитор И. К. Акбаров, 1961 йил) ва бошқа фильмлар. Кино мусиқасида кўшиқ муҳим роль ўйнайди.

Масалан: 1959 йилда композиторлар И.К. Акбаров, М. Бурхонов, М. Левневлар яратган “Мафтун бўлдим”, 1960 йилда композитор М. Левнев яратган “Махаллада дув-дув гап” ва бошқалар. Мусиқали кино комедия, композитор, дерижёр, хонандалар ҳақидаги тарихий биографик, шунингдек кино концерт, кино опера, хореографик кинофильмларда мусиқа асосий ўрин эгаллайди. Мультимедияцион фильмда мусиқа алоҳида аҳамиятга эга: унда тасвир маълум ритм асосида

алмашинади ва расмлар тайёр мусиқа фонограммасига кўра ишланади; образ талқинида рассом мусиқа хусусиятини ҳам ҳисобга олиб, ижод қилади.

Мусиқали драма – мусиқа ҳамда сўз санъатига асосланган драматик сахна асаридир. Унинг илк намуналари шарқда шаклланган. Мазкур жанр Озрбайжонда Октябр революцияси арафасида, Ўрта Осиё ва қозоғистонда революциядан кейин вужудга келиб, кенг раванқ топди ва ҳар бир республикада ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтиб, миллий хусусиятлар кашф этди. Мусиқали драмада сахна воқеалари, қахрамонларнинг, ички кечинмалари ва ҳолатлаири, бир бирларига бўлган муносабатлари сўз, драматик ҳаракат, мусиқа ва шунингдек рақс орқали ифодаланади, мусиқа ва сўз бир – бирини тўлдириб, асар мазмунини чуқурлаштиради. Ўзбекистонда мусиқали драма жанри 20-йиллардан миллий адабий-бадий, театр ва мусиқа мероси заминида шакллана бошлади. Унинг таркиб топишида ўзбек халқ актёрлари- масхарабоз, қизиқчи ва қўғирчоқбозларнинг томошаларида, мусиқадан фойдаланиш тажрибалари, шунингдек, Озарбайжон

мусиқали театрнинг спектакллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада Хамза ҳам хиссасини қўшган. У “Хой ишчилар”, “Қармоқ”, “Капитал”, “Қўзғинлар” инстенеровкаларида, “Сайлов олдида” номли агитацион драмаси ва “Фарғона фожеалари” тетралогиясини сахналаштиришда халқ мусиқаси ва ўзи ижод қилган қўшиқлардан ўринли фойдаланиб, жанрнинг асосий шартларидан бири, сўз мусиқа бирлигини юзага келтириш учун курашган.

Ўзбек мусиқали драмаси ўз тарақиёти давомида бир неча даврни босиб ўтди. Даставвал, пьесага мос мусиқа материали халқ ижодидан саралаб олса, 30-йилларнинг бошида С. Абдулланинг “Пўртана”, М. Мухаммедов ва К. Яшиннинг “Ичкарида” каби замонавий пьесаларида, халқ мусиқасини қайта ишлаш принципи қўлланган. Мусиқали драма адабий ва мусиқавий жихатдан юксалишига адиблардан К. Яшин, С. Абдулла ва бастокор Т. Жалиловнинг хизматлари катта. Уларнинг қаламига мансуб “Хурхон”, “Равшан ва Зулхимор”, “Тохир ва Зухра”, “Алпоиш”, “Муқимий” каби етук мусиқали драмалар мавжуд. 50-

йилладан бошлаб, бу жанрда мустақил ижод қилувчи ўзбек композиторларидан: М. Левнев, А. Мухаммедов, С. Бобоев, И. Акбаров, Д. Зокиров ва бошқалар.

Мутал Бурхонов 1916 йилда туғилган. Унинг серкирра ижодида кино санъати муҳим роль ўйнайди. М. Бурхонов “Бой ила хизматчи”, “Абу Али ибн Сино”, Малас Левиёв, Икром Акбаров билан биргаликда «Орол балиқлари» фильмига, “Мафтунингман” кино фильмига куй басталаган. Республика қўғирчоқ театри учун Х.Олимжон пьесаси асосида “Ойгул билан бахтиёр” муסיқасини яратди. Унинг вокал асарлари бой миллий колорит билан суғорилган. Бу колорит анъанавий халқ қўшиқларига механик тарзда тақлид қилишдан эмас, балки Ушбу жанрг янгилик олиб киришда, биринчи бўлди. Қўшиқ охангларини фавқулодда янгилиги билан куйини ифода этиш усуллари билан анъанавий халқ қўшиқларидан мутлоқ фарқ қилади. Ижодкорнинг муסיқаси умуман олганда, ўзбек муסיқасини турли жанрлари билан бой этибгина қолмай, балки унга усуллар, оханглар, йўллар очиб берган. Композитор муסיқаси биринчи танишишдаёқ, тингловчини ўзига

жалб қилади, хаяжонлантиради. Оҳанграбодай ўзига сеҳирлаб олади. Инсон ҳаётидаги жиддий ва мураккаб муаммолар ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Таянч тушунчалари.

“Кинема”

“Графо” – бу аппарат номи юнонча “Кинема” ҳаракат ва “Графо” ёзма сузлардан олиниб, кинематограф деб аталади.

“Инсценировка”

“Мультипликация» - кино санъати.

Ҳаётдаги воқеаларни ўз ҳолича ёки махсус инсценировка қилиб, ё бўлмаса, мультипликация воситасида қайта тасвирлаб суратга тушириш йўли билан яратилади.

**Мавзу: Хамза Ҳакимзода Ниёзий – атоқли
драматург, марифатпарвар ўқитувчи, композитор.**

Режа:

1. Х.Х. Ниёзий – педагог, шоир, драматург, адиб,
композитор.
2. Хамзанинг ўқитувчилик фаолияти.
3. Х.Х. Ниёзийнинг таълим – тарбия ҳақида
фикрлари.
4. Хамза мохир шоир – педагог.

**Мавзу: Хамза Хакимзода Ниёзий – атоқли
марифатпарвар ўқитувчи.**

Режа:

1. Х.Х. Ниёзий – педагог, шоир, драматург, адиб,
композитор.

2. Хамзанинг ўқитувчилик фаолияти.

3. Х.Х. Ниёзийнинг таълим – тарбия ҳақида
фикрлари.

4. Хамза мохир шоир – педагог

Ўзбек халқининг тўнғич педагоги, шоир, драматург адиб,
композитор Хамза Хакимзода Ниёзий 1889 йил 16 июлда
Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди.

Хамза узининг ўқишга бўлган зўр иштиёқи туфайли 12 ёшидаёқ тўла хад, саводли бўлиб етишди. 1906 йилда мадрасага кириб ўқий бошлайди. Бироқ мадраса таълими Хамзани қониқтирмайди. Шунга кўра у мустақил суратда Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларини ўқиб ўрганади. У 1908 йилда ота – онасининг норозилигига қарамай мадрасадан кетган.

Хамза турмушда жуда кўп қийинчиликларга дуч келади, илм – фанга хаваси зўр бўлса-да, кўнгилдагидек ўқий олмайди. Бу ахволни кейинчалик эслаб, унга сабаб “Ота-она таассуби ва ҳукм истибдоди, фақирлик” эканини эслатиб ўтади. Хамза ёзувчилик ишига 1905 йил, 16 ёшидан бошлаб киришган. Унинг шахсий архивида сақланган материаллар орасида 1905- 1914 йилар мобайнида ёзилган 214 шеърий рўхати бор. Хамзанинг “Девон”ига 214 шеридан 197 таси киритилган.

1910 йил Қўқонда рус – тузем мактабида муаллим бўлиб ишлайди. Хамза 1911 йил Қўқоннинг ХОЖИБЕК гузарида мактаб очиб, етим ва камбағал болаларни ўқитади.

Ўвитувчилар учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби” ўқув қўлланмаларини яратади.

Х.Х. Ниёзийнинг 20 йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида ёшлар тарбияси масаласида Амалий ва назарий жihatдан муҳим ҳолатларни олға суради.

Хамзанинг ижодиёти, ўқитувчилик фаолияти чор ҳукумати амалдорларини ташвишга солади. Улар Хамза мактабини “Хавфли, болаларни бузувчи, дин ва маърифатдан оздирувчи мактаб”, деб қоралаб ёпиб, ўзини таъқиб этадилар.

Шунингдек, Хамза кейинчалик “Жамият хайрия” деган ташкилотни тузади.

Хамза 1913 йил февралда чет элларга кетади: Афғонистон, Хиндистон, Макка, Мадина, Шом (Сурия), Байрут, Истамбул, Одесса шаҳарларида бўлиб, 1914 йилда Қўқонга қайтиб келади.

1915 йилда мактаб очади, муаллимлар таёрлайдиган курс ташкил этади.

Хамза ташкил этган мактаб ҳақиқий чинакам мактабларнинг намунаси эди. Хамза бу мактабда ёшларга дунёвий фанларни ўқитади, ақлий. Ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият беради.

Лекин, ўша давирда жаҳид мактаби номи билан машҳур бўлган бошқа мактаблар ҳам бўлганки, Хамзанинг мактаби улардан кескин фарқ қиларди. Агар кўпчилик жаҳид мактабларда миллий буржуазияга саводли мутахассислар

таёрлаш ниятида бойваччалар ўқитилса, Хамзанинг талабалари камбағал оилаларнинг фарзандлари эди. Жадидимизни ташвиқот қилган маърифатпарварлик буржуа синфий манфаатни кўзда тутса, Хамза эса маърифатни кэнг халқ оммасига тарқатиш тарафдори эди. У камбағал болаларнинг ўқишини доимий таъминлаш ниятида уларга моддий ёрдам беришни мақсад қилиб, “Ёрдам жамиятини” тузди.

“Ёрдам жамияти” ўқитувчиларнинг ўзаро йиққан маблағлари асосида фаолиятни бошлади-ю, лекин кўп ўтмай подшо хукуматининг қаттаиқ таъкибидан сўнг тарқатиб юборилади.

Хамза 1915 – 1916 йилларда яратган “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Пушти гул”, “Сарик гул” каби ашулалар тўпламида, “Миллий роман ёхуд янги саодат” хиссаси, “Захарли хаёт” каби драма асарларида меҳнаткаш халқини ўқишга, илм ўрганишга даъват этди.

Хамза 1918 йил Фарғона шаҳрига бориб, ўқитувчилик ишини давом эттиради. Шунингдек, у Фарғонада театр санъатини яратишда катта ташаббус кўрсатди. Фарғонадаги ёш санъат хаваскорларини тўплаб, “Сайёр драм труппа” ташкил қилади. У шу йиллининг ўзидаёқ, ўзининг машхур

асари “Бой ила хизматчи”, “Тўхматчилар жазоси”, “Ким туғри” каби пьесалар ёзади.

Хамза 1919 йилнинг бошларида Қўқондаги биринчи сон боқимсиз болалар уйига мудир қилиб тайинланди. Турк frontiда ўзи тузган труппаси билан қатнашади. Хоразмга бориб, таълим – тарбия ишлари билан шуғулланади. 1922-1924 йиларда қорақалпоғистоннинг Хужайли туманида биринчи болалар уйининг мудир ва ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1925 йилнинг кузида, Фарғона уезди маорифи ихтиёрига юборилади. Бу ерда у халқ кучи билан янги мактаб биноси, клуб, кутубхона, чойхона қурдиради.

1926 йили Ўзбекитон ижроя комитети Хамзанинг бадиий ижодидаги мувоффақиятларини ва жамоа ишидаги фаолиятини тақдирлаб, “Халқ шоири” деган фахрий унвонни беради ва умрбод шахсий нафақа тайинлайди.

Хамза ўз педагогик фаолиятида ва адабий ижодида хотин қизларнинг илм олишига, жамият ишларида фаол иштирок этишларига жиддий этибор берди. Хамза бир қатор асарларида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, халқ маорифи тизимини яритиш ғояларини олға суради. Унинг фикрича «Инсонни инсон қаторига қўшиши», “Инсонни камолатга етказиш”, “Инсонни олийжаноб

фазилатларга эга қилиб етиштириш, тарбияга боғлиқдир”.
Хамзанинг фикрича, боланинг ақлий ривожланиши, иродаси, ҳулқ атвори, умуман маънавий фазилатлари тарбия орқали шаклланади. Боланинг Ким бўлиб етишиши, унинг насл – насабига эмас, балки унга бериладиган тарбияга боғлиқдир, яъни боланинг ўқишга қизиқиши, ўқиш қобилиятининг ривожини насл – насабнинг эмас, балки тарбиянинг махсулидир, дейди. Хамза ақлий тарбия ҳақида сўз юритар экан, ақлий тарбия орқали табиат ва жамият қонунларини, табиат ходисаларини, улар ўртасида боғлиқликни билиш кераклигини айтади. Шоир анашундай маълумотга эга бўлган ва жамият, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ёшларни етиштиришга даъват этади.

Х.Х. Ниёзийнинг фикрича болаларни, шундай баркамол киши қилиб етиштириш учун ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлган, қобилияти ва юксак ахлоқли бўлиши керак. У таълим тарбия ҳақида билдирган фикрларида ҳам, болаларнинг соғлом бўлишига этибор беради. У айниқса, таълим тарбияда ота - оналарнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлайди, боланинг гўзал ахлоқли бўлиб камол топиши учун, оила муҳитида тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши зарурлигини айтади. Шоирнинг фикрича, бола одобнинг

бошини ота – онадан олади, ўрганади, бунга жиддий эътибор берилмаса, тарбия жуда қийин кечади ва ёмон оқибатларга олиб бориши аниқ эканини аниқ равшан баён этади.

Хамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида ҳар бир инсон жамият, табиат ва ҳайвонот дунёсидан хабардор бўлиши кераклиги ҳақида сўзлар экан, бунинг учун илм - фанларни эгаллаш зарурлигина такидлайди.

Хамза Ҳакимзоданинг ахлоқий тарбия хусусидаги қарашларида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварлик, кишиларнинг қадр қимматини англаш, уни ҳурмат қилиш, инсоний ҳуқуқларни ҳимоя этиш, уларга ҳурмат билан муомала қилишдан иборат бўлиши керак. Ёшларни инсонпарварлик раҳида тарбиялаш, уларда ўзига яқин бўлган кишиларга, аввал ота – онасига самимий муҳаббат туйғусини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шу туфайли ҳам, шоир ўз дарсликларига киритган бир қатор шер ва ҳикояларида, болаларни ота – оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашни ва ҳурмат қилишга чақиради.

Хамза болаларни тўғри сўз, ростгўй қилиб тарбиялашни уқтиради, тўғрилиқ, тўғри сўзликни, энг яхши фазилат деб ҳиссoblайди.

Хамзанинг фикрича, болаларни сабр – тоқатли, саботли ва матонатли қилиб тарбиялаш керак.

Хамза Ҳакимзода ўзининг “Бахл”, “Саҳий”, “Золим”, “Рахм”, “Хиёнат”, “Хоин” ва “Садоқат” хикояларида ёшларни садоқатли кишиларга, меҳрибон ва ғамхўр қилиб тарбиялаш уларда бахллик золимлик, зўравнлик, хиёнат ва хоинликка нафрат туғуларини тарбиялаш ғоясини илгари суради. У “Ўзбек хотин – қизларига”, “Бир хуркок масул ишчининг тилидан”, “Ҳужум хоинларга”, “Муборак”, “Турсуной марсияси” каби шеър ва ашулаларида, хотин – қизларни озодлик душманларига қарши курашга ундади.

Хулоса. Хамза ёшларни илимли қилиб тарбиялаш, болаларни баркамол қилиб етиштириш, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, болаларни тўғри сўз, сабр тоқатли қилиб тарбиялаш, меҳнаткаш халқни маърифатли қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама билимли қилиб етказиш йўлига ҳаётини бағишлаган.

Адабиётлар:

1. К. Хошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Хасанов. “Педагогика таърихи”, Тошкент, “Ўқитувчи” 1996 йил 321 – 326 бетлар.
2. О. Хасанбоева «Педагогика тарихида христоматия», Тошкент “Ўқитувчи” 1997 йил.
3. К. Хошимов “Педагогика таърихи” Тошкент 1996 йил.
4. О. Хасанбоева ва бошқалар “Педагогика тарихи” Тошкент 1997 йил.